



## ANALYSIS OF THE CONCEPTS OF “QALIN” AND “MAHR” USED IN MARRIAGES

*Sadokat Maksudovna Matkarimova*

*Professor*

*Mamun University*

*Khiva, Uzbekistan*

*Nazokat Maksudovna Matkarimova*

*Doctor of Philosophy in History (PhD)*

*Mamun University*

*Khiva, Uzbekistan*

*E-mail: [ms.mnm.79@mail.ru](mailto:ms.mnm.79@mail.ru)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** traditions and customs, cash (“milk tax”), “kalin”, “mahr”

**Received:** 06.07.24

**Accepted:** 08.07.24

**Published:** 10.07.24

**Abstract:** The family, which is considered the most important cell of society, begins with marriage. The more healthy, full and strong the family is, the more healthy, peaceful and prosperous the society develops. That's why marriage is a ceremony that is celebrated by the public from the time of the primitive society and aimed at the stability and strength of the family through a special tradition.

## НИКОХ ТҮЙЛАРИДА ҚҮЛЛАНИЛАДИГАН “ҚАЛИН” ВА “МАХР” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ТАХЛИЛИ

*Садокат Мақсудовна Маткаримова*

*Профессор*

*Мамун университети*

*Хива, Ўзбекистон*

*Назокат Мақсадовна Маткаримова*

*Тарих фанлари доктори (PhD)*

*Мамун университети*

*Хива, Ўзбекистон*

*E-mail: [ms.mnm.79@mail.ru](mailto:ms.mnm.79@mail.ru)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** урф-одат ва расм-руслар, нақд пулдан (“сут ҳақи”), “қалин”, “махр”.

**Аннотация:** Жамиятнинг энг муҳим ҳужайраси ҳисобланган оила никоҳдан бошланади. Оила қанча соғлом, тўқ ва мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча соғлом, тинч ва фаровон ривожланади. Шунинг учун

никоҳ ибтидоий жамият давридан бошлаб маҳсус урф-одат орқали оиланинг бардам ва мустаҳкам бўлишига қаратилган жамоатчилик томонидан нишонланиб, даставвал одат, кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштирилган маросимдир.

## АНАЛИЗ ПОНЯТИЙ «КАЛИН» И «МАХР», ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В БРАКЕ

**Садокат Максудовна Маткаримова**

*Профессор*

*Университет Мамуна*

*Хива, Узбекистан*

**Назокат Максудовна Маткаримова**

*Доктор философии по истории (PhD)*

*Университет Мамуна*

*Хива, Узбекистан*

*E-mail: [ms.mnm.79@mail.ru](mailto:ms.mnm.79@mail.ru)*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** традиции и обычаи, наличные деньги («молочный налог»), «калин», «махр».

**Аннотация:** Семья, которая считается важнейшей ячейкой общества, начинается с брака. Чем здоровее, полноценнее и крепче семья, тем более здоровым, мирным и благополучным развивается общество. Вот почему бракосочетание — это церемония, отмечаемая общественностью еще со времен первобытного общества и направленная на стабильность и силу семьи посредством особой традиции.

### КИРИШ

Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбекларнинг анъанавий никоҳ маросими бизнинг асримизгача мураккаб, кўп босқичли, келиб чиқиши ва давр (вақти) жиҳатидан ҳар хил характердаги урф-одат ва расм-руслар мажмуудан иборат бўлган. XX аср бошларига келиб мазкур никоҳ маросими мусулмон одати сифатида расмийлаштирилган. Мустақилликка эришгач, Ўзбекистонда барча тўйлар мазмунан бойиб, анча демократлашган ва замонавийлашган. Аммо тўйлардаги расм-руслар, хусусан никоҳ маросимидағи барча фаолият никоҳланаётганларнинг ҳаёти фаровон, эзгу ва баҳтли бўлишини таъминлаш, серфарзандликни тилаб амал қилинадиган иримлар авлодни давом қилишга қаратилган ва оилани мустаҳкамлаган.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ана шундай расм-русларни биз Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари жараёнида кузатишимииз мумкин. Жумладан, хоразмликларда бугунги кунда ҳам амалда бўлган “қалин” масаласига алоҳида тўхталиб ўтмоқчи эдик. Зоро, юқорида таъкидлаб

үтганимиздек, анъанавий никоҳнинг зарурий элементлари қаторига қўшиладиган “қалин” ҳам мусулмончилик одатлари сирасига киритилган. Аммо никоҳнинг ақди бўлган “маҳр” тушунчасини маросимлар жараёнида ҳеч учратмаймиз. Балки, маҳр Марказий Осиёда азалдан шаклланиб улгурган “қалин” ёки “сут ҳақи” билан ўзаро синтез бўлиб, умумий яхлит бир ном, яъни “қалин” деб аталиши ҳам мумкин, бироқ уларнинг йўналтириладиган манбай турличадир. Шу ўринда “қалин”, “сут пули” ва “маҳр” масалаларига алоҳида тўхталиб, уларнинг фнкцияларини таҳлил қилиб кўрмоқчимиз.

Қалин исломгача туркий халқлар орасида кенг тарқалган одатлардан. Масалан, VI асрга оид Ўрхун-Енисей ёзувларида, Маҳмуд Қошғарий асарларида у тилга олинган. Баъзи тадқиқотчилар қалинни аёлларнинг жамиятда қадр-қимматини кучи сифатида баҳолаш билан боғлиқ деса, айримлари уларнинг ижтимоий тенгсизлиги бошланиши билан юзага келган, деган фикрни билдирадилар. Буни асослаш учун қадимиюдат билан бўйича қалин ҳақи учун ишлаб бериш ёки пул шаклида тўлашга мажбур бўлиш мисол қилиб кўрсатилади. Айрим пайтларда қалин ўрнига ўзаро қиз алмаштириш, яъни қарши қудалик одатига амал қилиниб қалин тўланилмаган. Ислом дини пайдо бўлгач қалин тўлаш қонунлаштирилган. Бу одат ҳозиргacha сақланиб, Жанубий Ўзбекистон, Хоразм ва Қорақалпоғистонда катта пул хисобланади.

XIX аср охири –XX аср бошларида ўзбек оиласи муносабатларида қалин бериш масаласини ҳам четлаб ўтиш мумкин эмас. Холис кузатувчилар, хусусан, А.Вамбери қалин баъзан тўлиқ, айрим ҳолларда камайтирилиб тўланиши, шунингдек, қалин факат тўй харажатларини қоплашдан иборат бўлишига доир мисоллар келтиради.

Ўзбек оилаларида қалин, қатор тадқиқотчилар астойдил асослашга уринаётганлардек, қизни тарбиялаш учун тўлов – “сут ҳақи” эмас, аксарият ҳолларда келин либослари, тўй харажатлари учун мўлжалланган эди. Бу ўринда қалин миқдори қудалар ўртасида яккама-якка келишиб олиниши, у маҳалла-куй, қариндош-уруғларга овоза қилинганидан анча кам бўлишини ҳам таъкидлаш лозим. Қалин миқдори оила нуфузининг ўзига хос мезони бўлгани сабабли унинг миқдорини атайлаб ошириб кўрсатиш одатий ҳолга айланганди. Қалиннинг келиб чиқиши ислом дини билан боғлиқ эмас. Бу русм минтақада ислом тарқалишидан олдин ҳам мавжуд бўлиб, қадимиюдат ҳуқуқ – одат билан белгилаб қўйилган эди.

П.Маев тошкентликлардаги қалин тўғрисида маълумотлар беради. Қалин сифатида нақд пулдан (“сут ҳақи”) ташқари келинга аталган қўйлаклар, тўй дастурхонига мўлжалланган қўчкор, озиқ-овқат маҳсулотлари бериладиган бўлган.

Жумладан, хоразмликларда қалин қишлоқ жойларда “тўққизлик” тарзида бўлиб, бунга чорва моллари ҳам кирган. Бой хонадонлар келин томонга олти “тўққизлик” – туялар, отлар, мол, қўй берганлар. Шу билан бирга умуман қалин тўламасдан уйланиш ҳоллари ҳам кузатилган. Бу, айниқса, яхши таниш-билишлар, камбағал оилалар учун хос бўлган.

Бир вақтлар одамлар маҳрни “қалин” деб атаб олиб, қизлари учун катта миқдорда молу дунё талаб қилишган. Ўзлари талаб қилган миқдордан кам молга кўнмаганлар. Бечора қизларнинг бунга дахли ҳам бўлмаган. Уларнинг қўлига бу нарсадан ҳеч қандай улуш берилмаган.

Шариатнинг маҳр борасидаги кўрсатмасини бузиб, ҳаддан ошиш оқибатида оила қуриш кўпчилик учун оғир машаққатга айланган. Вояга етган йигит-қизларнинг оила қуришлари қийинлашган. Жамиятда қари қиз ва қари йигитларнинг сони ортиб бораверган. Бунинг оқибатида жамиятлар ҳам, якка шахслар ҳам зарар кўрган.

Бу даврларда ислом қонун-қоидаларига мувофиқ эр томонидан бўлажак хотинига маҳр бериши ҳам талаб этилган. Одатда маҳр миқдори куёв ва келинга никоҳ ўқилаётган вақтда тилга олиниб, у бўлажак хотиннинг мулки ҳисобланган. Бу ҳақда В ва М.Наливкинлар маълумот келтирганлар.

Унаштирилганда берилган моллар ҳадя ва бошқа мақсадлар ниятида берилмай, маҳр деб аталса, маҳр ўрнига ўтади. Унаштирилгандан сўнг икки томон келишолмай, никоҳ ақди қилинмаса, куёв келин томонга маҳр ўрнига берган барча молларни қайтариб олади. Шунингдек, ҳадя сифатида берган моллари ҳам қайтарилади.(“Раддул муҳтор”).

Маҳр – никоҳ ақди билан эр зиммасига вожиб бўладиган ва хотинга бериш лозим бўлган молдир. “Сут пули” эса, қизнинг ота-онасига бериладиган пул, маблағ бўлиб, шариятимизда йўқ одат ҳисобланади. Шунинг учун у маҳр ўрнига ўтмайди.

Саҳл ибн Саъд розиаллоҳу анхудан ривоят қилинади. “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйланмоқчи бўлган кишига: “... Агар бир темир узук бўлса ҳам топ”, – деганлар”.

Куръони карим оятларида “садоқ”, “садақа”, “ажр”, “фариза” ва “ниҳла” каби сўзлар маҳр маъносида келган. Баъзи олимлар маҳрнинг ўнта исми бор, деганлар. Бизда маҳр сўзи машҳур бўлгани учун шу ном билан аталади. Бизнинг мазҳабимизда маҳрнинг энг оз миқдори ўн дирҳам деб кўрсатилган. Бизда маҳрнинг ўрнига “қалин”, “сут пули” каби иборалар қўлланилади.

## ХУЛОСА

Хозирга келиб, одамларнинг кўпчилиги маҳрни билмайди ёки унга аҳамият бермайди. Билгани, аҳамият бергани ҳам бу ишга охирги ўриндаги ишлар каби назарда бўлади. Имом домла ярим соат маҳрнинг аҳамияти ҳақида маъруза қилиб бўлгандан кейин бўлғуси куёвдан: “Келиннинг маҳрига нима атайсиз”, деб сўраса, “узук”, деган жавобни эшитади. Баъзида бизларга бошқа миллатлардан мерос бўлиб ўтган ўша “узук”нинг қиммати энг оз маҳрнинг миқдоридан ҳам кам бўлади. Ҳатто, баъзи тушунмаган шахсларда “маҳр дегани никоҳ узуги бўлса керак” деган тасаввур пайдо бўлган бўлса, ажаб эмас. Келинлар эса маҳр сўраш Аллоҳ таоло берган шаръий ҳақлари эканини тушунмайдилар. Тушунсалар ҳам, сўраш улар учун

беодобликка ўхшаб туюлади. Онда-сонда маҳр сўраганларидан эса куёв тараф хафа ҳам бўлади.

Шариятда маҳрнинг энг ози қанча экани кўрсатилгани билан бирга, кўпининг чегараси йўклиги ҳам маълум. Аммо келин тарафга маҳрнинг ози яхшилигини уқтириш билан бирга, куёв тарафга химматни баланд қилиш айтилади. Ҳеч ким, ҳеч қачон келинга “Маҳр сўрасанг, уят бўлади”, демаган. Шунингдек, куёвга “никоҳ узуги” дан ортиқча маҳр берсанг, гуноҳкор бўласан”, дейилган ҳам эмас.

Шариат қонунларини чукур ўрганиб, ундаги шахс, никоҳ ва оиласа оид қонун-қоидларни замон талабига мослаштириш, барча мусулмон мамлакатларидаги тажрибага таяниб мустақил республикамизда янгича никоҳ муносабатларини ўрнатиш ва оиласи ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган урф-одат ва маросимларни яратиш тақазо этилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Maksudovna, M. S. (2023). AN'ANAVIY O 'ZBEK XONADONIDA TAOMLANISH ETIKETI (XORAZM VOHASI MISOLIDA). *O'ZBEKİSTON OLIMLARINING ILMİY-AMALIY TADQIQOTLARI*, 2(3), 3-8.
2. Maksudovna, M. N., & Rashid o‘g, Y. L. A. (2022). WEDDING RETUALS RELATED TO'FIRE CULT'AT THE WEDDING PARTY. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SCIENCE AND EDUCATION*, (3), 81-83.
3. Нуруллаева, Н. М., Умбарова, М. З., Норбоева, Ш. Ш., Халирова, М. Д., & Джумаева, Г. А. (2018). МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ ФИЗИКИ. ЗАДАЧИ ПО ФИЗИКЕ. In *Химия, физика, биология, математика: теоретические и прикладные исследования* (pp. 73-77).
4. Matkarimova, S. M. (2019). HOUSEHOLD APPLIANCES AND SUPERSTITIONS RELATED TO COOKING AND DINING: ETHNOGRAPHY OF ANCIENT KHOREZM. In *WORLD SCIENCE: PROBLEMS AND INNOVATIONS* (pp. 40-43).
5. Нуруллаева, Н. К. (2022). Методические аспекты музыкального образования, особенности обучения народных песен в 5-7 классах. *Science and Education*, 3(1), 957-962.
6. Maksudovna, M. N. (2018). Traditional dresses of brides in horezm bridal wedding ceremonies. *International Journal of Advanced Research in Management and Social Sciences*, 7(12), 81-85.
7. Nurullayeva, N. K. (2024). ГОСУДАРСТВО МАЪМУНИДОВ: МЕЖНАЦИОНАЛЬНЫЕ ОТНОШЕНИЯ И РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ. *НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ "МА'MUN SCIENCE"*, 2(2).
8. Maksudovna, M. S. (2020). Explanatory Dictionary of Khorezm Dishes. *Electronic Research Journal of Social Sciences and Humanities*, 2, 247-252.

9. Нуруллаева, Н. (2024). ЖАНРЫ И ФОРМЫ НАРОДНОГО МУЗЫКАЛЬНОГО ИСКУССТВА УЗБЕКИСТАНА. *International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING*, 5(1), 65-68.
10. Маткаримова, Н. М. (2020). Хоразмнинг анъанавий таомлари (монография-альбом). *Школа Науки*, (8-2), 1-33.
11. Шукриллаева, З. А., & Нуруллаева, Н. И. (2020). Методика преподавания математики в начальной школе. *Вестник магистратуры*, (2-6), 133.
12. Matkarimova, N. M. (2020). SUPERSTITIONS RELATED TO FOOD AND CLOTHING AT WEDDING CEREMONIES (ANCIENT KHOREZM). In *АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ* (pp. 29-31).
13. Латыбова, Л. В., & Таджиева, Ф. М. (2021). ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ В СОВРЕМЕННОМ СПОРТЕ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(3), 562-569.
14. Таджиева, Ф. Д. (2022). СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЖИЗНЬ В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ ДИНАСТИИ КУНИРАДОВ И РОЛЬ В НЕЙ РЕМЕСЕЛ. In *Дискуссионные вопросы развития науки и образования* (pp. 119-122).
15. Маткаримова, С. М., & Маткурбонов, О. (2017). Material-cultural memorials after the independence of Uzbekistan. Historical heritage, touristic routes. *Молодой ученый*, (4), 618-619.
16. Таджиева, Ф. М. (2021). ПРОГРАММНО-МОДУЛЬНЫЕ МЕТОДЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ: Таджиева Феруза Мухтаровна Совместного Белорусско-Узбекского межотраслевого института прикладных технических квалификаций в городе Ташкенте к. п. н старший преподаватель кафедры «Технические дисциплины». *Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал*, (2-Махсус сон), 158-163.
17. Маткаримова, С. М., & Маткаримова, Н. М. (2023). XORAZM VOHASI BAXSHICHILIK SAN'ATI TARIXIDAN (Go 'ro 'g 'li turkum dostonlarining ilmiy tadqiqotlarda o'r ganilishi). *НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ "МА'MUN SCIENCE"*, 1(1).
18. Таджиева, Ф. (2022). АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ХИВА ХОНЛИГИ ҚУЛЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР. *Sharq ma'shali/Восточный факел*, 14(2), 101-113.
19. Маткаримова, Н. М. (2020). Хоразмнинг анъанавий таомлари (монография-альбом). *Школа Науки*, (8-2), 1-33.
20. Таджиева, Ф., & Садуллаев, Д. (2015). ОТДЕЛЬНЫЕ СУЖДЕНИЯ ОБ ИСТОРИЧЕСКИХ КОРНЯХ МАХАЛЛИ ХОРЕЗМА И ЭТАПАХ ЕЁ РАЗВИТИЯ. *Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов*, (2), 39-41.

21. Маткаримова, С. М., & Абдуллаева, Н. Б. (2023). История депортации корейцев в Узбекистан. *Редакционная коллегия: доктор исторических наук, доцент ВН Шайдуров (отв. ред.), доктор исторических наук, профессор ДМ Иноярова, кандидат исторических наук, доцент ВО Левашко, доктор исторических наук, профессор УИ Абдуллаев*, 74.
22. Давлатова, С. Т., & Маткаримова, Н. М. (2024). МАЪМУНИЙ ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИНИНГ “ОЛТИН ДАВРИ” ВА МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ОЛИМЛАРИНИНГ МУСИҚА ИЛМИ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ. *НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ “МА’МУН SCIENCE”*, 2(2).
23. Маткаримова, С. М., & Маткаримова, Н. М. (2023). XORAZM VOHASI BAXSHICHILIK SAN’ATI TARIXIDAN (Go ‘ro ‘g ‘li turkum dostonlarining ilmiy tadqiqotlarda o ‘rganilishi). *НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ “МА’МУН SCIENCE”*, 1(1).
24. Маткаримова, Н. М. (2020). Никоҳ тўйи маросимларида ишлатиладиган нарсабуюмлар ва кийиладиган кийим-кечаклар: анъанавийлик ва замонавийлик (альбом). *Школа Науки*, (8-3), 1-14.
25. Маткаримова, С. М., & Маткурбонов, О. (2017). Молодежная политика в Республике Узбекистан (на основе лекции первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова). In *Исторические исследования* (pp. 1-3).
26. Маткаримова, С. М., & Маткурбонов, О. (2017). Material-cultural memorials after the independence of Uzbekistan. Historical heritage, touristic routes. *Молодой ученый*, (4), 618-619.
27. Маткаримова, С. М., & Раджабов, О. А. (2016). Youth policy: World experience and Uzbekistan. *Молодой ученый*, (13), 620-623.
28. Маткаримова, С. М. (2010). Историография Хивинского ханства в период Кунгратской династии (XIX–начало XX вв.). *автореф. дис.... канд. ист. наук*.
29. Маткаримова, С. М., & Абдуллаева, Н. Б. (2023). История депортации корейцев в Узбекистан. *Редакционная коллегия: доктор исторических наук, доцент ВН Шайдуров (отв. ред.), доктор исторических наук, профессор ДМ Иноярова, кандидат исторических наук, доцент ВО Левашко, доктор исторических наук, профессор УИ Абдуллаев*, 74.
30. Вамбери.А. Очерк Средней Азии. Москва, 1868. 95-101- бетлар; Фарида Саифназарова.Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий қадриятлар.Тошкент. “Юрист-Медия Маркази” нашриёти, 2007.
31. Жабборов. И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2003.
32. Маев.П. Азиатский Ташкент. Материалы для статистики Туркестанского края. в IV, СПб, 1887.
33. Фарида Саифназарова. Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий қадриятлар. Т.: Юрист Медия Маркази. 2007.
34. Усмонхон Алимов. Сўраган эдингиз. I-II.Тошкент.: Ўзбекистон мусулмонлар идораси нашриёти. 2017.
35. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. Т.: Шарқ.